

Ўзбекистон тарихини, хусусан унинг қадимги замон ва ўрта асрлардаги тарихини ўрганишда озми-кўпми ютугимиз бор. Лекин қилинадигайи ишлар, тарихимизни ёзилмаган саҳифалари хали бир талай. Ўзбек халқининг келиб чиқиши ва этник таркиби, Урта Осиё халқларининг чет эл истилочилари асоратига тушиб қолишининг сабаблари, Мовароуннахр халқларининг Темур ва темурийлар давридаги ижтимоий-сиёсий ва маданий турмуши сингари ўнлаб илмий масалалар ханузгача ўз ечимини топгани йўқ. Дахшатлиси шундаки, фарзандларимиз ўз эл-юртининг тарихини яхши билишмайди, чунки уни биз кўп замонлардан бери мактабда талаб қилинган даражада ўқитаётганимиз йўқ. Ханузгача «Ўзбекистон тарихи» дан мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртларига мўлжалланган яхши дарслик ва кўл-ланмалар йўқ. Яқин йилларгача биз бунини шахсга сизганиш ва тургунлик йилларига тўнкаб келдик. Бу маълум даражада тўғри, албатта. Ўша даврлар етказган зарар жуда катта бўлди. Лекин маълум даражада ўзимиз ҳам айбли эканлигимизни бўйнимизга олишимиз керак. Қайта қуриш шарофати билан катта-катта ишларга кўл урсанг эплай оладиган, тарихимизнинг ёзилмай қолган ва етарли ўрганилмаган саҳифаларини битсак бўладиган замонлар келганига ҳам тўрт-беш йил бўлди. Биз эса, тўғриси айтсам, жуда ёмон ишлаётимиз, ҳамон қимдандир, нимадандир ҳадиксираш балосидан қутулиб қетганимиз йўқ, ҳамон юқоридан кўрсатма қутиб турганга ўхшаймиз.

Шундай бўлса керак, биз тарихчилар, хусусан қадимги замон ва ўрта асрлар тарихидан мутахассис бўлган олимлар, кейинги пайтларда одамларнинг кўп эътирозларига дучор бўляпмиз. Улар биздан «нима сабабдан ханузгача ўзбек халқининг келиб чиқиши хақида бирон жиддий асар ёзилмади?», «юртимизнинг кўп бор ўзга мамлакатлар ва халқлар асоратига тушиб қолишининг асосий сабаби нимада?», «нега Амир Темур ва авлодининг тарихи ёзилмаган?» — деб сўрайдилар. Ва яна ота-боболардан қолган кўл-қалма асарлар ва моддий-маданий ёдгорликларни ўрганиш, таъмирлаш ва авайлаб-асрашнинг умумий ахволи, мактабларда, ўрта ва олий ўқув юртларида Ўзбекистон халқлари тарихининг ўқитилиши билан боғлиқ бўлган масалалар хусусида кизиқишадилар. Ҳа, бу — қонуний талаб ва кизиқиш, албатта. Биз тарихчиларнинг бу борада халқимизда қарзимиз катта. Менимча, уни узадиган вақт етди, шекилли.

Машҳур сайёҳ ва элчи Руи Гонсалес де Клавихонинг «Кундалик» лари, азиз ўқувчи, биз тарихчилар ва адиблар сизга етказиб беришимиз лозим бўлган қарз қитоблардан бири. Бу қитоб Темур ва темурийлар даври тарихидан баҳо юргизувчи муҳим асарлардан бири ҳисобланади. Қитоб 1404 йили Самарқандда Темур саройида турган Кастилия (Испания) қироли Генрих III (1390—1406) нинг элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг йўл хотираларидан иборат, яъни унинг 1403—1404 йиллари Туркия, Эрон ва Мовароуннахрда, хусусан Амир Темур саройида қўрган-қилганларини ўз ичига олган муҳим бир асардир.

«Кундалик» муаллифи Руи Гонсалес де Клавихо бадавлат ва нуфузли оқсуяк оиладан чиққан. Отаси ҳам, ўзи ҳам қирол саройида йирик мансабда туришган. У қирол Генрих III нинг вафотидан (1406) кейин она шахри Мадридга кетиб қолади ва, умрининг охиригача ўша ерда истикомат қилади. Руи Гонсалес де Клавихо 1412 йилда вафот этади ва авлиё Франциско черковидаги ота-боболарининг қабрига дафн этилади.

Муаллиф:

13.11.2010 18:29 - Янгиланди 21.11.2010 13:57

---

Клавихонинг Амир Темур юртига килган элчилик саёхати 1403 йилнинг 22 майида бошланиб, ўн беш ой деганда у Самаркандга етиб келди. Бу саёхатда Клавихога илохият илмининг номзоди (магистри) Альфонсо Паэс де Санта Мария, киролининг махсус сокчиси Гомес де Салазар хамрох бўлдилар. Клавихонинг сафари Амир Темурнинг 1402 йилда Испанияга хожа Мухаммад кози бошчилигида йўллаган элчилигига жавобан килинган эди. Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга караганда, XIV асрнинг 80—90-йилларида Темур давлатининг шон-шухрати Оврўпо мамлакатларитача бориб етди. Англия, Франция, Испания, Генуя ва Византия сингари давлатларининг хукмдорлари Амир Темур билан сиёсий ва иктисодий (савдо) муносабатлар ўрнатишга интилиб, улуг жахонгир хузурига мунтазам равишда ўз элчиларини юбориб турдилар. Масалан, юкорида тилга олинган Кастилия кироли Генрих III нинг элчиси дон Пелагия де Сатоматир ва дон Фердинанд де Паласуное 1402 йили Темур Корабогда турганда унинг хузурига келишган ва ўша йилнинг 20 июлида Амир Темур билан Боязид I Йилдирим (1389—1402) кўшинлари ўртасида бўлган энг катта киргин-барот урушни томоша килишган эдилар. Жангдан кейин уюштирилган катта кабул маросимида булардан бошка яна бирталай мамлакатларниинг элчилари: хам катнашдилар. Хуллас, ўша йиллари Темур билан Оврўпо давлатлари ўртасидаги савдо ва сиёсий муносабатлар қандай бўлганлигинн жуда кўп расмий хужжатлардан хам билиб олиш мумкин. Булар Темур ва унинг учинчи ўгли Гарбий Эрон, Ирок на Озарбайжои хокими мирзо Мироншоҳ (1393—1408) билан Франция, Англия ва бошка мамлакатлар подшоҳлари ўртасидаги мактублардир. Мактублардан айримлари бугун машхур Британия музейи (Англия) ва Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда.

Клавихонинг Амир Темур хузурига килган элчилик саёхати жуда узок, хавф-хатар ва машаккатлар билан тўла сафар бўлди. Клавихо ва унинг хамрохлари Испаниянинг жануби-шаркий тарафида жойлашган Кадис шаҳридан елканли кемада Ўрта ер денгизи бўйлаб суздилар, сўнгра Стамбул, Трабзон, Арзирум, Табриз, Техроп, Машхад, Марв на Балх оркали ку-рукликда йўл босдилар. Улар Термиз каршисида Амударёдан ўтиб, Кеш оркали 1404 йилнинг 31 августида Самарканд киш-локларидан Мисрга келдилар ва сохибкIRONнинг шу атрофдаги чорбогига келиб тушдилар. Шуни хам айтиш керакки, ўшанда Клавихо билан бирга Бобил (Миср) ва Туркия султонининг элчилари хам Самаркандга келдилар.

«Кундалик»да ўша вақтларда Амир Темур кўл остидаги мамлакатлар па шаҳарларнинг умумий ахволи, халкининг кун кечирishi, Темур ва унинг яқинлари ташаббуси билан барпо этилган бинолар касрлар, масжидлар, мадрасалар, хонакох-лар савдо расталари, дўконлар, устахоналар; Темурийлар дав-латининг Хитой, Хиндистон, Олтин Ўрда (Клавихо уни Татаристон деб атайди), Мўғулистон ва бошка мамлакатлар билан бўлган сиёсий ва савдо алоқалари, Темур саройида амалда бўлган тартиб-қоидалар ва, ниҳоят, сохибкIRONнинг хотинлари ва уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳақида эътиборга молнк маълумотлар келтирилган. Бу маълумотлар, шубҳасиз, Туркистон заминнинг ўша вақтлардаги ижтимоий-сиёсий тарихини, ота-боболаримизнинг турмуш тарзини ўрганишда муҳим тарихий манбалардан бири ролини ўташи турган гап. Сўзимнинг исботи учуи бир неча мисол келтираман.

Самарканд ва унда Амир Темур тарафидан курдирилган би-нолардан баъзилари ҳақида Клаихо жумладан мана буларни ёзади:

Самаркандниинг бойлиги ҳақида. «Бу юрт дон-дун, май, мева-чева, парранда гўшти, [бошка] хар хил гўшт, кўйингки хамма нарсага бойднр... бир жуфт семиз кўйнинг нархи 1

дукат».

Катта хиёбон ва савдо расталари хакида. «Самарканд шахрида хар йили Хитой, Хиндистон, Татаристон ва бошка мамлакатлардан, шунингдек, бенихоят бой Самарканд салтанатининг ўзидан келтирилган моллар сотилади. Шахарга келтирилган молларни бир сафда тартиб билан жойлаштириб сотадиган кенг жой [шу пайтгача] йўк эди. Подшоҳ икки тарафида катор дўконлар жойлаштирилган савдо растасидан иборат кўча ўтказишни буюрди. Мазкур кўча шаҳарнинг бир чеккасидан бошланиб, қок ўртасидан ўтиб, иккинчи чеккасидан чиқиши лозим эди. Подшоҳ бу ишни икки мирзосига топшириб, улар кечаю кундуз [тинмай] меҳнат қилдилар. Йўлга тушган уйлар қимники бўлишидан қатъи назар, бетўхтов бузилди... Қўчанинг икки тарафида дўконлар қурилди, хар бир дўкон олдида мрамор билан қопланган юксак қурсилар ўрнатилди. Хар бир дўкон иккита хонадан иборат эди. Қўчанинг тепаси гумбаз шаклида ёпилган бўлиб, ёруғлик тушиб турадиган туйнукчалар қўйилган»."

«Шу йили (1404 йили — Б. А.) июнь ойида Хонбалик шахридан қарийб 800 туядан ташкил топган савдо қарвони Самарқандга келди».

Ўрдабозор. [Катта тўй муносабати билан подшоҳ] «Самарқанд шахрининг савдо аҳли: саррофлар, қитқурушлар, жавахир ва бошка турли-туман моллар билан савдо қилувчилар, ошпазлар, қассоблар, новвойлар, тикувчилар, қашдўзлар ва шаҳардаги бошка барча хунармандлар подшоҳ ўрдаси жойлашган ялангликка қикиб ва қодир қикиб савдо қилсинлар, хар бир қосиб қароргоҳ бўйлаб қезиб, ўйин-қулги билан одамларнинг баҳр-қилини очсин», — деб буюрди. Шундан кейин барча тижорат аҳли шаҳардан қикиб, подшоҳ қароргоҳи атрофида жойлашдилар. Хар бир хунарманд тартиб билан алоҳида-алоҳида раста қосил қилиб, харбий ўйин-қулги уюштириб, қароргоҳ бўйлаб айландилар».

Қўсарой қасри ва ундаги подшоҳга тегишли қурол ишлаб қикарувчи устахона хакида. «Шаҳар қетида бир қаср бўлиб... тевақат-атрофи сув оқиб турган хандақ билан ўралган бўлиб, қаср йўлаб бўлмайдиган истехком бўлиб қолган эди. Қаерда подшоҳнинг қазинаси сақланар, бу сабаб қозию қуззот ва унинг мулозимларидан бошка ҳеч қим у ер га қиролмас эди. Бу ерга подшоҳнинг фармойишига биноан, бир мингга қикин хунарманд ақирлар жойлаштирилди. Улар салтанат учун йил бўйи совут, дубулга, қамон, найза қасайдилар».

Амнр Темурнинг ўзи билан бирга олиб юрадиган қўчма масжиди хакида. «Элқиларни... сароқардада қўйилган ёғоч уй олдида бошлаб қирдилар. Бу баланд иморатта қинапоя орқали қикилади. Унинг тевақат-атрофи ёғоч даҳлиз ва ойнабанд айвон билан ўралган эди. Тамом зарқал ва хаворанг бўёқлар билан нақшланган бу бино шундай қурилган эдики, қерак бўлганда бўлак-бўлак қилиб тахлаб қўйилса [хам] бўларди. Бу —подшо ибодат қиладиган масжид бўлиб, уни [Амнр Темур] сафарда ўзи билан бирга олиб юрарди».

Махаллий халқнииг (уни Клавихо қигатоийлар деб атади) турмуш тарзи хакида. «У — меҳнатсевар, моқир қавандоз, қамон отувчи мерган, умуман урушда сабот-матонатли халқ. У борига қаноат қилиб, нонқиз [биргина] сут ва гўшт билан хам қун ке-адраверадиган, гўшти ва гўштсиз овқат билан хам тирикчилиқ қилишга ўрганган халқ. Исқик ва совуққа, очлик ва таш-налиққа қидамлилиқда жаҳондаги бошка элдан саботлироқ ва қидамлироқ халқ. Борида гўшни қаддан орқик истеъмол қилади, йўғида сувга қатик қўшиб қайнатиб иқиш билан қифояланади».

Феодал мажбуриятлардан бири хакида. «Темурбек отлари ва кўйларини ўз ясовулларидан бирига бир минг, бошқасига ўн минг бошини сурув қилиб, саклаш учун бўлиб берган. Подшоҳ Талаб қилганда сурувларни қайтаролмаган ёки тўғини мўлжалдагидан қамайтириб қайтаргундай бўлса, подшоҳ ҳеч қандай товон тўлаш шартларига қўнмайди, борини олади-ю, лекин гунохкорни қатлга буюради».

Амир Темур саройида аёлларнинг мавқеи хакида. «1404 йилнинг 23 октябрида, пайшанба куни подшоҳ ўрдада [яна бир] қатта тўй бериб, элчиларни ҳам [унга] тақлиф қилди. Тўйга қўп меҳмонлар келишди. Қўп-ўйин қулги, хурсандчилик бўлди. Подшоҳнинг хотинлари, аввалги тўйлардаги сингари қийинлашиб ҳозир бўлдилар, эркаклар билан бирга ўйин-қулги қилдилар...»

Шахзодалар ва Амир Темур саройидаги хотинлар тасвири. Хонзода бегим тасвири: «...Элчиларни ичкарига бошлаб қирдилар, Хонзода [бегим] ўлтирган жойга яқинлашганимизда у элчиларни ўз қаршидаги соябон остидаги супага чиқиб ўлтиришга тақлиф этди, Хонзода [бегим] ва унинг ҳузуридаги аёллар қатта қодир эшиги олдидаги соябон остида ўлтирдилар... У Хонзода бегим бугун қариндошларидан бирининг никоҳ тўйини ўтказаяётган эди. Бегим қўринишда қирк ёшлар қарнидаги тўладан қелган, оқ юзли аёл эди».

Сароймулкхоним тасвири: «Барча халқ ўринларига ўлтириб, саранжомлик ўрнатилгандан кейин тўйда, подшоҳ ҳузурида бўлиши лозим бўлган қатта Қаньо қодирлар ёнидаги саропардаларнинг биридан чиқиб қелди. Хоним мана бундай қийинган эди: эғнида зар билан тикилган, этаги ергача судралиб турган узун ва кенг енгсиз қизил шойи қўйлак. Ёқа ва икки енг ўрнидан бўлак очик жойи бўлмаган бу қўйлак белидан торайтирилган, этагига қадар кенгайиб боради... Қўйлак этагини ўн бешга яқин аёл қўтариб борарди. Хонимнинг юзига оғтобдан сакланиш учун шу қадар қўп оқ ёгли упу сурилган эдики, чехраси бамисоли оқ қозғи ўхшарди. Қишда ва ёзда сафарга чиққан барча асилзода аёллар юзларига шунақа ёгли упу суртадилар Хонимнинг юзига юпка оқ мато ташланган, бошида факат қанча қийиладиган дубулгага ўхшаш қанд, қизил тусдаги бош қийими. Унинг бир учи хонимнинг елкасига тушиб турибди. Ўша қизил дубулгага жуда қўп йирик, қона-қона марваридлар, ёқут, қируза ва бошқа қилма-қил. [қимматбаҳо] тошлар қадалган. Бош қийимнинг қалиғи елкага тушиб турган қисми зар билан тикилган, [унга] қимматбаҳо тошлар ва йирик марваридлар билан безатилган қиройли олтин барқак қадалган... Хонимнинг тим қора сочлари елкасига тушиб турарди...»

Халил султон тасвири: «Халил султон отасига ўхшаш қикти қавдали, оқ юзли, 22 га қирган йигит эди».

«Қундалиқ»да шунга ўхшаш қизикарли маълумотлар жуда қўп.

Клавихонинг «Қундалиғи»да айрим ноаниқликлар, ҳато ва қамчиликлар ҳам учрайди. Улардан баъзиларини қелтирамиз».

«Айтишларича,— деб ёзади Клавихо,— Темурбек ўзининг тўрт-беш қизматқори билан қўшни қонадонларнинг бир қуни қўйини, иққинчи қуни қиғирини қортиб ола бошлайди... Баъзан қазмга қерилиб қетиб ўғирланган қўйлар билан уларни меҳмон қиларди. Баъзан қасурлиғи, олижаноблиғи тутиб қетиб, бор нарқасини ўз одамларига қидқидилдан бўлиб қерганлиғи туфайли, унинг атрофиға қўп одамлар тўплана бошлайди. Охири унинг отликлари 300 га етади. Шундан кейин у ўз отликлари билан узокларга қориб ўзи ва одамларига қерак бўлган нарқаларни талаш ва ўғирлаш билан машғул бўлди; йўлларга

Муаллиф:

13.11.2010 18:29 - Янгиланди 21.11.2010 13:57

---

чикиб савдогарларни ҳам талай бошлади». Лекин сохибкиронинг хаётига багишланган биронта тарихий асарда унинг ўгри ва йўлтўсар бўлганлиги хақида маълумот учратмадик. Бу ҳақда ҳозирги айрим китобларда учраб турадиган бундай гаплар афтидан Клавихонинг кимдандир эшитган мана шу ярим афсона гапларига асосланганга ўхшайди.

«Кундалик»да Чигатойнинг ўлими Халил султоннинг Амир Темур вафот қилган кунлардаги ахволи хақида айтилган гаплар ҳам хақиқатдагн йирокдир. Хусусан, Клавихонинг айтишича, Чигатойни Самарканд халки ўлдирган эмиш, Халил султон бўлса, Темур вафот қилган кунлари Самаркандда бўлмаган эмиш. Аслида бундай эмас. Чигатой ўз ўрдасида, Ила дарёси бўйида 1242 йили вафот қилган, Халил Султон эса Темур ва фот этган куни Тошкентда бўлган.

Клавихо Амир Темур 1404 йилнинг 4 сентябрь куни Тўхтамишнинг элчисини ўз юртига жўнатиш билан банд бўлганлигини ёзади. Маълумки, Тўхтамиш бу вақтда йўқ эди, Самаркандга, Темур хузурига эса унинг ўгилларидан Чехра ўглон келганди.

Асарда учрайдиган яна бир камчилик — бу киши ва жой номларининг ёзилишидаги чалкашликлардир. Албатта, бошка миллат кишиси учун махаллий атамалар ва сўзларни тўғри талаффуз қилиш жуда қийин. «Кундалик»да тилга олинган Амират — Мурод, Кариль султан — Халил султон, Кирманоли — Мануил Палеолог, Карамийш — Тўхтамиш, Миаша мирасса — Мироншоҳ мирзо, Ангури — Ангора, Балдат — Багдод, Баубер-ель — Бовард, Канбалек — Хонбалик, Каррас — Аракс, Орасан — Хуросон эканлигини англаш мумкин. Лекин улар орасида Буамо, Талисия, Жагаро каби атамалар ҳам борки, уларни асло аниқлаб бўлмайди.

Энди бир неча сўз «Кундалик»нинг чопэтилиши ва таржималари хақида. Асар биринчи марта 1582 йили, яъни ёзиб тамомлангандан 150 йил кейин Испаниянинг Севилья шаҳрида «Буюк Темурнинг хаёти ва фаолияти» иоми билан чоп этилди. Орадан 200 йил кечгач, 1782 йили у Мадридда шу номда иккинчи марта нашр этилди. «Кундалик» испан тилида учинчи марта 1949 йили Мадридда Лопес Эстрада тарафидан нашр этилди. Асар рус тилида биринчи марта (таржимон И. И. Срезневский) 1881 йили Петербургда чоп этилган. Яқинда (1990) «Кундалик» нинг яна битта русча нашри (И. С. Миракова нашри) амалга оширилди. Таникли адабиётшунос олим профессор Очил Тогаевнинг ўзбекча нашри И. И. Срезневский нашрига асосланган ва талаб даражасида амалга оширилган.

Бўриной Ахмедов